



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUGI

2014yil “18” 03

№ 106

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда
раҳбар ва масъул ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш ҳақида**

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан берилган топшириқларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан жорий йилнинг 21 февраляда Бош вазирнинг раҳбарлигига ўтказилган йиғилиш баёнини бажариш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти таҳлил қилинди.

Таҳлиллар натижасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги камчиликлар, муаммолар ва қонунбузарликлар юзасидан келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти бу борада ишни ташкил этишда, уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига риоя қилинмаётганлигини қўрсатди ҳамда масъул мансабдор шахслар томонидан ижро интизомига амал қилмаслик, расмиятчилик, бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига доир қатор тизимли камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар вазирлик ва худудий Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда ижро этилмаётганлигини қўрсатмоқда.

Ишонч телефонларига келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳам аксарияти худудий Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан бажарилмаётганлиги оқибатида тизимли равишда ижро интизоми бузилишига йўл қўйилмоқда. Айрим худудларда Ишонч телефонлари умуман ишламаётганлиги ҳолатлари мавжуд. Бу каби эътиборсизлик ва масъулиятсизликни вазирликнинг виртуал қабулхонаси, ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, ёзма, оғзаки ва сайёр қабуллар орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашда ҳам кузатиш мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражадаги раҳбар ходимларнинг ва масъулларнинг мурожаатларни кўриб чиқишидаги масъулиятини янада ошириш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, барча давлат тиббий муассасалар раҳбарлари томонидан **бир ҳафта муддатда** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидағи барча ташкилот ва муассасаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан яхшилаш, раҳбар ва масъул ходимларнинг жавобгарлигини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилсин.

2. Келгусида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан, Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлар ва бошқа шаклдаги мурожаатлар билан ишлашда вазирнинг 2017 йил 24 январдаги 27-сонли буйруқ ва мазкур буйруққа асосан тасдиқланган тартиб қоидаларга қатъий риоя қилиниши таъминлансин.

3. Кўйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келган мурожаатлар, Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар, Халқ қабулхоналари томонидан юборилган ва қабул қилинган мурожаатлар, вазирликнинг Ишонч телефони – 1003, вазирликнинг ягона интерактив давлат хизмати портали ва бошқа мурожаатлар билан ишлаш, сифат жиҳатдан янги ва самарали тизим фаолиятини ташкиллаштириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий фаолият юритувчи ишчи гурӯҳи таркиби ва аъзолар ўртасидаги вазифлар тақсимоти 1-Иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхонаси”да Соғлиқни сақлаш вазири ўринbosарлари ва масъул ходимларининг навбатчилик жадвали 2-Иловага;

- Вазирликнинг фуқаролар қабулхонасида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун раҳбар ва масъул ходимларнинг рўйхати 3-Иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти томонидан 2017 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги шаҳар ва туманларда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини “Сайёр қабул” қилиш жадвали 4-Иловага

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлардаги шаҳар ва туманларда, қишлоқ жойларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини “Сайёр қабул” қилиш тартиби 5-Иловага

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасидан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш тартиби 6-Иловага асосан тасдиқлансан.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида раҳбар ходимларнинг масъулиятини янада ошириш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорликларга, расмиятчиликларга чек қўйиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг жойлардаги сайёр қабуллари, шу жумладан фуқаролар қабулхоналарида ташкил этиладиган қабулларни шахсан биринчи раҳбарлар ва уларнинг ўринbosарлари томонидан белгиланган жадваллар асосида ва мазкур буйруқнинг 5-Иловасига асосан тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келган мурожаатлар Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар, Халқ қабулхоналари томонидан қабул қилинган ва юборилган мурожаатлари вазирликнинг “Ишонч телефони-1003”, вазирликнинг ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиши, мазмунан ижобий ҳал этиш шахсан биринчи раҳбарларнинг асосий вазифаси этиб белгилансан.

6. Республика ихтисослаштирилган марказлар, клиникалар, муассасалар раҳбариятининг барча вилоят ва туман даволаш-профилактика муассасаларига чиқиб амалий ёрдам бериш ва ахолига тиббий ёрдам кўрсатиш режалари асосида қатъий амалга оширилсин ва бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини жойида кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Мурожаатларни кўриб чиқиши жараёнида юридик хизмат ходимларининг иштироки таъминланиши ва заруратга қараб ҳукукий хуросалар олиниши эътиборга олинсин.

8. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги қонуний мурожаатларини кўриб чиқилишида қонунчилик талаб ва нормаларини бузганликлари учун раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи кўрилиши хусусида қатъий огоҳлантирилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий фаолият юритувчи ишчи гурухи мазкур жараённинг назоратини қўйидаги шаклда амалга ошириши:

ҳар кунги тўпланган оператив маълумот бўйича кундалик таҳлилий жараённи ўтказиб, соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқармалари раҳбарларига ва худудлардаги соҳа раҳбарларига керакли топшириқларни бериши;

ҳафталик натижалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирига интизомий жазо бўйича таклиф киритиши белгилансин.

10. Ушбу буйруқقا асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 24 январдаги 27-сонли буйруғининг 1 ва 3 - Иловалари бекор қилинсин.

11. Мазкур буйруқнинг ижро назорати вазир ўринбосари Э.И.Баситханова зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Шадманов

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил «18 03» даги
106 сонли буйругига
1-Илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан
келган мурожаатлар, Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал
қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар, Халқ қабулхоналари
томонидан юборилган ва қабул қилинган мурожаатлар, вазирликнинг
Ишонч телефони – 1003, вазирликнинг ягона интерактив давлат хизмати
портали ва бошқа мурожаатлар билан ишлаш, сифат жиҳатдан янги ва
самарали тизим фаолиятини ташкиллаштириш буйича Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг доимий фаолият юритувчи ишчи гурухи таркиби ва
аъзолар ўртасидаги вазифлар тақсимоти**

1. Э.И.Баситханова – Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, ишчи
гурух раҳбари - барча шаклдаги мурожаатлар билан ишлаш тартибига соғлиқни
сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан амал қилинишининг назоратини олиб
боради;

2. Д.Р.Матрасулов – Назорат инспекциясининг бош назоратчиси, ишчи
гурух раҳбари ўринбосари – барча шаклдаги мурожаатларни вазир ва вазир
ўринбосарларига ижрочиларни белгилаш учун киритади, уларни гурух
аъзоларининг тақсимотига кўра ижрочиларга етказади, ҳар кунги тўпланган
оператив маълумот бўйича кундалик таҳлилий жараённи ўтказиб, соғлиқни
сақлаш вазирлиги бош бошқармалари раҳбарларига ва худудлардаги соҳа
раҳбарларига керакли топшириқларни бериш, ҳафталик натижалар асосида
Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига интизомий жазо бўйича таклиф
киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига ва
вазирнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар ижросининг
назоратини юритади.

3. У.Т.Донаев – Республика ДСЭНМ санитария врачи, ишчи гурух аъзоси
- вазирликнинг “Ишонч телефони – 1003” рақамига келаётган мурожаатларни
қабул қиласди, уларни ижрочига етказади, ижросини назорат қилиб,
таъминланишини ташкиллаштиради;

4. М.С.Алимжанова – Саломатлик ва тиббий статистика институти
мутахассиси – вазирликнинг ягона интерактив давлат хизматлари портали
орқали келган мурожаатларни, ёзма ва оғзаки мурожаатларни қабул қиласди,
рўйхатга олади ва ижрочиларга белгиланган тартибда етказади, ижросини
назорат қиласди ва таъминланишини ташкиллаштиради. Фуқаролар қабулини
тўғри амалга оширилишини таъминлайди ва қабулхонада жамоат тартибини
сақлашга масъул ҳисобланади;

5. “УзМедИнфо” маркази ходими (келишувга мувофиқ) - Ўзбекистон
Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва вазирнинг виртуал

қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни ижрочиларга тақсимлайди, муддатларини узайтириш амалини бажаради, зарур ҳолларда ижрога юборилган мурожаатларни тақсимотини қайта амалга оширади, назоратдан ечиш амалини бажаради. Таҳлилларни юритиб, маълумотлар тайёрлайди ва гуруҳ раҳбари ёки ўринбосарига етказади.

6. А.Низамов – Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали директор ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва вазирнинг виртуал қабулхонаси, ягона интерактив давлат хизмати портали орқали келиб тушган мурожаатларни, ёзма ва оғзаки мурожаатларни, ишонч телефонларига бўлаётган мурожаатларни, сайёр қабуллар орқали қабул қилинган мурожаатларни таҳлил қиласди, умумлаштиради, назоратини юритади ва кунлик таҳлилий маълумотларни тақдим этиб боради;

7. Р.Мухаммадиев – юридик хизмат бошлиғи – барча шаклдаги мурожаатлар билан ишлашда ва уларни кўриб чиқишда юридик маслаҳатлар берабор боради.

8. С.Иноятуллаев – соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшманинг бош юрист маслаҳатчиси – мурожаатлар билан ишлашда иштирок этади, ходимларга нисбатан бўлаётган ноҳақликларга барҳам бериш чорасини кўради. Нопок ходимларга нисбатан эса жазо чораларини кўришда маъмуриятга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва вазирнинг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни ижрочиларга тақсимлаш, муддатларини узайтириш амалини бажариш, зарур ҳолларда ижрога юборилган мурожаатларни тақсимотини қайта амалга ошириш, назоратдан ечиш амалини бажаришда кўмаклашади.

Изоҳ: Заруратга қараб ишчи гуруҳи раҳбарининг кўрсатмаси билан ишчи гуруҳ таркибига вазирлик марказий аппаратининг Бош бошқармалар, бошқармалар ва тизим ташкилотлар ҳамда муассасалар мутахассислари жалб қилиниши ёки унинг таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирининг
 2017 йил «18» 03 даги
106 - сонли бўйруғига
 2-Илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхонаси”да Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари
 ва масъул ходимларининг навбатчилик жадвали**

№	Масъул ходимлар Ф.И.Ш.	Навбатчилик куни	Навбатчилик вақти
Бошкарма ходимлари		Вазир ўринбосарлари	
1.	Ф.Р.Шарипов	А.М.Хаджибаев	09.00-13.00
2.	А.М.Хусанов		14.00-18.00
3.	Д.Р.Хасанова	Э.И.Баситханова	09.00-13.00
4.	М.Ф.Садиков		14.00-18.00
5.	Н.С.Атабеков	С.С.Сайдалиев	09.00-13.00
6.	А.К.Инаков		14.00-18.00
7.	А.А.Алгзамов	Э.И.Баситханова	09.00-13.00
8.	И.З.Уринбаев		14.00-18.00
9.	У.С.Исмаилов	С.С.Сайдалиев	09.00-13.00
10.	Ф.А.Рахимкулов	Жумга	14.00-18.00

Соғликини саклаптап вазирининг
 2017 йил «18» 03
206 - сонгли буйруғига
 З-Иловада

**Вазирликкінг фұқаролар қабулхонасіда жисемоний шахсларни ва юридик шахсларниң
 вакилларини қабул қылыш үчун раҳбар ва масъул ходимларнинг рүйхати**

№	Масъул ходимлар Ф.И.Ш.	Бошқарма бошилдиклари Ф.И.Ш.	Вазир ва вазир ўринбосарлари Ф.И.Ш.	Навбатчилик куни	Навбатчилик вакти
1.	Ш.Нишанов	А.Ағзамов	А.К. Шадманов	Пайшанба	09.00-13.00
2.	Р.Салиходжаева	А.Инаков	Ф.Шарипов	Сешанба	14.00-18.00
3.	А.Ахмаджонув	У.Исмаилов	А.М.Хаджибаев	Чоршанба	09.00-13.00
4.	Н.Юнусова	М.Садиков	Э.И.Баситханова	Дүшанба	14.00-18.00
5.	У.Мухитдинова	М.Садиков	Э.И.Баситханова	Жума	09.00-13.00
6.	Б.Абдусаматова	Ф.Рахимкулов	Н.Атабеков	Жума	14.00-18.00
7.	Р.Махсұдухходжаева	Г.Хакимов	С.С.Сайдалиев	Жума	09.00-13.00
8.	А.Жалолов	Б.Эргашев	Б.А.Атаханов	Дүшанба	14.00-18.00
9.	А.Норбеков	Ё.Файзулаев			09.00-13.00
10	Э.Қодиров				14.00-18.00

Соғникни саклаш вазирининг
2017 йил «18» 03
206 -сонли буйргига
4-Илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғникни саклаш вазирлиги раҳбарияти томонидан 2017 йили давомида
Қоракалпогистон Республикаси, Тонкент шахар ва вилоятлардаги шахар ва тумандарда жисмоний ва юридик шахсларнинг
вакилларини “Сайёр қабул” кишини
ЖАДВАЛИ**

№	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр
1.	Сурхондарё вилояти Термиз тумани	Хоразм вилояти Хозарасп тумани	Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани	Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани	Наманган вилояти Наманган тумани	Андижон вилояти Хонобод тумани	Бухоро вилояти Бухоро шахар тумани	КР Конликўл тумани	Навоий вилояти Навбахор тумани
2.	Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани	Хоразм вилояти Питнак шахри тумани	Қашқадарё вилояти Миришкор тумани	Фарғона вилояти Фарғона тумани	Наманган вилояти Мингбулук тумани	Андижон вилояти Хўжаобод тумани	Бухоро вилояти Олот тумани	КР Хўжайли тумани	Навоий вилояти Кизилтепа тумани
3.	Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани	Хоразм вилояти Ургенч тумани	Қашқадарё вилояти Касби тумани	Фарғона вилояти Кўвасой шахар тумани	Наманган вилояти Пол тумани	Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани	Бухоро вилояти Бухоро тумани	КР Каравзак тумани	Навоий вилояти Нурута тумани

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил «18 03» даги
106 - сонли бўйруғига
5-Илова

**Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини
“Сайёр қабул” қилиш
Тартиби**

1. Ушбу билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлардаги шаҳар ва туманларда, қишлоқ жойларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини “Сайёр қабул” қилиш тартиби жорий этилади.

2. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2016 йил 29 сентябрда ўтказилган селектор йиғилишининг 78 -сон баёни қарори асосида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу тартибга асосан жойлардаги “Сайёр қабуллар” орқали мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ижродан чиқариш қуидагича ташкил этилади.

3.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида раҳбар ходимларнинг масъулиятини янада ошириш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорликларга, расмиятчиликларга чек қўйиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг жойлардаги “Сайёр қабул”лари, шу жумладан фуқаролар қабулхоналарида ташкил этиладиган қабулларни шахсан биринчи раҳбарлар ва уларнинг ўринbosарлари томонидан белгиланган жадваллар ва мазкур тартиб асосида амалга оширилади.

3.2. Жадваллар вазирлик томонидан тасдиқланган жадвалларга мувофиқ намуна шаклида тузилади ва шу тартибда бажарилади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти белгиланган жадваллар асосида жойларда “Сайёр қабул”ларни ўтказади.

Вазирлик раҳбариятининг жойлардаги “Сайёр қабул”ларини худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ташкиллаштиради. Сайёр қабуллар вилоят ҳокимлигининг биносида ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудий Халқ қабулхоналари биносида (олдиндан келишувга мувофиқ) ёки худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари биноларида ташкил этилади.

3.4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг бошлиқлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари белгиланган жадваллар асосида туманларда “Сайёр қабул”ларни ўтказади. “Сайёр қабул”лар туман ёки шаҳар ҳокимлигининг биносида ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман ёки шаҳар Халқ қабулхоналари биносида (олдиндан келишувга мувофиқ) ёки туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси биноларида, қишлоқ врачлик пунктларида, маҳалла қўмитаси биноларида (олдиндан келишувга мувофиқ) қабул қиласди.

4. Мурожаат этувчиларнинг мурожаатлари мазмуни (важлари), мурожаат этувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи (юридик манзили) ва бошқа зарур маълумотлар акс эттирилган рўйхат юритилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 138-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган назорат карточкаси юритилади.

6. “Сайёр қабул” баённомалари тузилиб, ундаги топшириқларнинг ижроси қабулларни ўтказган раҳбарлар томонидан назорат қилиб борилади.

7. Агар мурожаат муаллифлари олган жавоб хатидаги ўз қонуний муаммоси ечимидан қаноат ҳосил қиласа, бундай мурожаатлар назоратдан олинмайди.

8. Заруратга қараб мазкур мурожаатлардаги важлар жойига чиқиб ўрганилади ва шу ернинг ўзида ечимини топишга ёрдам кўрсатилади.

9. Ушбу тартибга қатъий риоя этилиши керак ва мурожаатларда кўрсатилган ҳолатларни ошкор қилинмаслик кафолатланиши зарур.

10. Мазкур тартибнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил «18» 03 даги
106 - сонли буйругига
6-Илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал
қабулхонасидан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш
Тартиби**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасидан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашнинг электрон тизими тартиби жорий этилади.

2. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу тартибга асосан вазирининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ижродан чиқариш Соғлиқни сақлаш вазирлигига куйидаги тартибда ташкил этилади.

3.1. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ишчи гуруҳи мурожаатларни вазирликнинг сайти орқали қабул қилади ва уни “УзМедИнфо” маркази томонидан ишлаб чиқилган дастур орқали тегишилиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқарма ва бошқармаларига, Қорақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда республика марказлари, муассасалари, клиникалари ва бошқа ижро чилиларга ижро учун юборади.

3.2. Вазирининг Виртуал қабулхонасидан юборилган мурожаатлар 1 кундан кечиктирилмасдан қабул қилиб олинади ва 13 кундан кечиктирилмасдан ижросини таъминлаш чоралари кўрилади. Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари муаллифга маълум қилинади, жавоб нусхаси дастурга киритилади ва шу тизим орқали юборилади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келган мурожаатлар, Соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонасига

келиб тушаётган мурожаатлар, Халқ қабулхоналари томонидан юборилган ва қабул қилинган мурожаатлар, вазирликнинг Ишонч телефони – 1003, вазирликнинг ягона интерактив давлат хизмати портали ва бошқа мурожаатлар билан ишлаш, сифат жиҳатдан янги ва самарали тизим фаолиятини ташкиллаштириш буйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳи (бундан кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) ҳар кун электрон келиб тушган мурожаатларни жавобларини кўради. Конуний ечимини топган жавобларни назоратдан чиқаради. Камчилиги ёки хатоси бўлган мурожаат жавобларини қабул қилмасдан қайта ижрога қайтарилади. Бунда ижрочининг айби билан ижро хужжати тўлиқ таъминланмаган бўлса, ижро муддати узайтириб берилмайди ва қайта ижрога қайтарилади.

3.4. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун кўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни ижро муддати Ишчи гуруҳ томонидан узайтириб берилади. Бир ойдан ошиқ муддат талаб қилинса, ижрочи томонидан бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма хабар берилади ва раҳбар томонидан яна бир ой муддатга узайтиришга рухсат берилади.

3.5. Мурожаат этувчи ёки бошқа шахс йўқлигига мурожаатни кўриб чиқиш имкони бўлмаса, улар раҳбарият томонидан чақирилиши мумкин. Чакирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш имкони йўқлиги ҳакида жавоб юборилади.

3.6. Мурожаатга жавобни раҳбар ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс имзолайди.

3.7. Куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

3.8. Мурожаат, агар Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқармалари ва бошқармалари ёки ижро учун юборилган ташкилотнинг ваколатига тааллуқли

бўлмаса, мурожаат Ишчи гурухга 5 кундан кечиктирмасдан асослантирилган ҳолда қайтарилади. Бу ҳақда албатта Ишчи гурухи ҳабардор қилинади.

3.9. Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

3.10. Агар мурожаатда бир неча масала кўтарилиган бўлса, мурожаатни олган Бош бошқарма тегишли Бош бошқармани жалб этган ҳолда биргалиқда мурожаатни кўриб чиқади ва умумлашган жавоб тайёрлайди.

4. Белгиланган тартибда жавоб хати юборилмаган бўлса, Ишчи гурухи масъул ижрочи ва раҳбарлардан тушунтириш сўрайди. Тушунтириш ёзишдан бош тортиш ёки уни ҳам кечиктириб бериш масъул ходимларни ва раҳбарларни жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бу ҳақда Ишчи гурухи далолатнома тузиб, барча хужжатларни илова қилган ҳолда ишчи гурухи раҳбарига ва вазирга ахборот беради.

5. Ишчи гурухи ҳар қунги тўпланган оператив маълумот бўйича кундалик таҳлилий жараёни ўтказилиб, соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқармалари раҳбарларига ва худудлардаги соҳа раҳбарларига керакли топширикларни беради.

6. Таҳлилларнинг ҳафталик натижалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирига интизомий жазо бўйича таклиф киритиб боради.

7. Ушбу Тартибга қатъий риоя этилиши керак ва мурожаатларда кўрсатилиган ҳолатларни ошкор қилинмаслик кафолатланиши зарур.

8. Мазкур Тартибнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.